

## БОЛА ШАХСИ ЖИСМОНАН РИВОЖЛАНИШИДА ҲАРАКАТЛАР ТЕАТРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ахунов Умидбек Рузибаевич

Андижон давлат педагогика институти Мактабгача таълим кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273040>

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳаракатлар театри, унинг ривожланиш тарзи, мактабгача ёшдаги болалар фаолиятида тутган ўрни, ҳаракат, ўйин ва тартиблилик ҳаракатлар театрининг элементар шакллари эканлиги хусусида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** ҳаракатлар театри, жисмоний тарбия, жисмоний машқ, мактабгача ёш даври, ўйин, креативлик, тарбиячи, музика, пантомима.

### ХАРАКТЕРИСТИКА ТЕАТРА ДЕЙСТВИЯ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ РЕБЕНКА

**Аннотация.** В данной статье рассматривается театр действия, его развивающий стиль, его роль в деятельности дошкольников, движение, игра и порядок – которые являются элементарными формами театра действия.

**Ключевые слова:** театр действия, физическое воспитание, физические упражнения, дошкольник, игра, творчество, воспитатель, музыка, пантомима.

### CHARACTERISTICS OF ACTION THEATER IN CHILD PERSONALITY DEVELOPMENT

**Abstract.** This article discusses the theater of action, its developing style, its role in the activities of preschoolers, movement, play and order – which are elementary forms of the theater of action.

**Keywords and phrases:** action theater, physical education, exercise, preschool, play, creativity, educator, music, pantomime.

### КИРИШ

Ҳаракатлар театри креативликка асосланган бўлиб, болаларнинг жисмоний ривожланиши, шунингдек эмоционал, ижтимоий, когнитив, коммуникатив қобилиятларини ривожлантирувчи педагогик концепция ҳисобланади. “Креативлик” – кўп мазмунли, кенг қамровли атама ҳисобланиб, сўнгги вақтларда жисмоний тарбия ўқув машғулотида, турли спорт соҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ҳаракатлар театри креатив ёндашув воситасида ташкил этилиб, болаларнинг тасаввурига мослиги, руҳияти ва қизиқишларини қамраб олади, уларни креативликка ва ўз қобилиятларини намоён бўлишига имкон беради ҳамда қўллаб-қувватлайди. Ҳаракатлар театри интегратив характерга эга бўлиб, болаларни жисмоний фаолликка, бошқалар билан ўз фаолиятининг мутаносиблиги, монандлигини кузатиш, маълум қоида ва талаблар асосида адекват ҳаракат қилишни ривожлантиради.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳаракатлар театри кенг қамровли фаолиятлар мажмуаси бўлиб, жисмоний тарбия, санъат, рақс, актёрлик маҳорати, ижтимоий кўникмалар, руҳият каби соҳаларни бирлаштиради [1; 4-р.]. Аслида кунлик ҳаракатлар ва турли хил ҳаракатли ўйинларни ўйлаб топишга ундайдиган кундалик вазиятлар ҳаракатлар театрининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади [3; 14-р.].

Юқорида билдирилган фикрлар ҳаракатлар театри таълим олувчиларни қайси жиҳатдан қўллаб-қувватлашни аниқлаштиришни тақозо этади.

Биринчидан, ҳаракатлар театри болани индивидуал ҳаракат қилиш, маълум вазифа, рол ёки функцияни ижро этишни ўрганишлари ва шу орқали уларнинг жисмоний ривожланишларини қўллаб-қувватлашни мақсад қилади. Ҳаракатлар театрининг энг аҳамиятли жиҳати, турли креатив ғояларни шакллантириш ва мазкур ғоя асосида ҳаракатлар театрини сахналаштиришдан иборат. Ўз навбатида болаларнинг ҳаракатларига устуворлик берган ҳолда, уларни янги ғояларга ва уларни реализация қилишга ундаш – тарбиячи-педагогнинг вазифаси ҳисобланади. Болаларда креативликни ошириш учун маълум бир мавзу эмас, балки услубий ёндашув ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Иккинчидан, ҳаракатлар театрини нафақат креатив машғулот сифатида, балки уни болалар жисмоний ривожланишининг мақсади ва воситаси сифатида қўриш мақсадга мувофиқдир. Индивидуал ҳаракат ва ўйинлар орқали ёндашиш эса болани нафақат креативликка ундаш, балки жисмоний тарбия орқали уларни тарбиялаш нуқтаи назардан ҳам имконият яратади. Ҳаракатлар театри жисмоний тарбия орқали бола шахсининг турли ривожланиш соҳаларини қамраб олади ва уларни комбинациялашган ҳолда ривожланишни таъминлайди. Бу эса ҳаракатлар театрининг ўзига хос шакли бўлиб, уни ифода этиш ва дизайн воситаси ҳисобланади. Қўлланилган ҳаракат турига қараб ҳаракат театрининг турли хил жиҳатларини санаб ўтиш мумкин, масалан: тана (ёки жисм) театри, рақс театри, спорт театри ёки пантомима.

Тарихан ҳаракатлар театрига Германиянинг Кёln университети томонидан машғулот концепцияси сифатида асос солинган. Бу концепция Анне ва Вольфганг Тиедт томонидан яратилган бўлиб, уни “муסיқа ва рақс бир-бири билан чамбарчас боғланган ва ўзаро бир-бирига таъсир қилувчи” ҳаракатлар мажмуаси сифатида тасвифлайди [2; 26-р.]. Ўйин, муסיқа, рақс, тил, ритм ва ҳаракат ажралмас бирлик бўлиб, улар ўзини турли хил жабҳаларда намоён қилиши мумкин. Педагогик жиҳатдан олиб қараганда, креатив ишлаш жараёнини доим биринчи ўринда туриши жуда ҳам муҳимдир. Олдиндан тайёрланган сценарийлар эмас, балки бошқалар билан ўйин мобайнида ҳар сафар янги ўйлаб топилган импровизациядаги ҳаракатларгина ҳаракат театрига хосдир [4; 56-р.]. Бунинг учун таниқли ҳаракат техникаларидан, яъни пантомима, спорт ёки рақсдан фойдаланиш мумкин, аммо ҳал қилувчи омил ҳар доим бу – ҳаракат шакллари мустақил равишда бошқариш, ўз ҳаракат контекстлари ва уларнинг моҳиятини ривожлантиришдир.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Таълим жараёнида ҳаракатлар театрини қўллаш кўп моддий ресурсларни (турли костюмлар, декорациялар, ёритиш чироқлари, акустик воситалар) талаб этмайди. Чунки ҳаракат театри – “оддий жиҳозланадиган театр”, яъни мавжуд нарсалар билан ҳам ишлайверадиган театр тури ҳисобланади. Болаларнинг ўз ҳаракати ва ўз-ўзини ифода қилиш имкониятлари билан тажриба қилиши, ўйнаши асосан ҳамкор, кичик гуруҳлар билан ишлашда юзага келади ҳамда бир-биридан фарқли бўлган машғулот методлари орқали бошқарилади. Машқ машғулотнинг асосини ташкил қилади яъни мавзуга оид тушунчалар, тасаввурлар ва шарт-шароитлар иложи борича турли ҳаракатлар орқали ифода этилади [5; 71-р.].

Ҳаракатлар театри учун ҳаракатга қатъий боғланиш алоҳида рол ўйнайди. Театр

ўйини матн спецификациялари ёки режиссёр режаларига қараб эмас, балки боланинг ҳаракат эҳтиёжлари ва имкониятларига қараб белгиланади. Ҳаракат театри асосида мактабгача ёшдаги боланинг ўзига хос имкониятлари ва эҳтиёжларини ўз ичига олган ҳаракатлар театрининг мустақил концепцияси ишлаб чиқилган [6; 4-р.].

Маълумки, педагогик ёндашувлар индивидуал таълим жараёнларини онгли равишда рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу ўз-ўзидан содир бўлмайди, лекин ҳар доим муайян функция ва мақсадларни кўзлайди. Агарда бу мақсадлар асосли бўлмаса ҳар ким хоҳлаганча педагогик ёндашишига олиб келиши мумкин. Асослаш учун эса ҳаракат театри антропологик, ҳаётий ва ривожланиш психологияси аргументларидан фойдаланади. Шунга мувофиқ равишда креативлик ва жисмоний ҳаракатларнинг интеграциясини таъминлайди. Бу эса ҳаракатлар театрининг педагогик моҳиятини белгилаб беради. Умуман олганда, ҳаракатлар театри бу олти ёшдан ўн икки ёшгача бўлган бола учун креатив ҳаракатни ўргатишнинг муҳим педагогик тамойилларини таъминлаш учун мўлжалланган.

Ҳаракатлар театри боладан мустақил равишда ўйин, мусиқа, рақс, тил, ритм ва ҳаракатни бир-бири билан бирлаштира олишини қўллаб-қувватлайди. Педагогик кузатишлар шуни кўрсатадики, мактабгача ёшдаги болалар қандай роль ўйнашларидан қатъий назар, хоҳ от ва чавандоз бўлсин, хоҳ машина ва машина ҳайдовчи бўлсин ёки она ва бола, улар бир вақтнинг ўзида барча ролларни осонгина ўз зиммаларига оладилар, ўзларини одамлар, ҳайвонлар ёки нарсаларнинг ўрнига қўйишади ва шу жараёнда тил, мусиқа ёки кўшиқ билан ҳамроҳ бўлишади. Вақт ўтиб, боланинг ҳаракатлари ривожланган сари асосий ҳаракат ва ифода қобилиятлари йўқолиб боради. Лекин уларда ўйин ва ҳаракат, мусиқа ва рақс, тил ва ритм ўртасидаги боғлиқликни ҳаётнинг элементар бир соҳаси сифатида тасаввур қилиш мумкин. Унда “инсон ўзини ижодий ифодалаш, ўзининг бошланғич кўникмалари ва қобилиятларини кўрсатиш, мулоқот қилиш орқали тажриба орттириши, эришган муваффақиятларини кенгайтириши ва уни қўллаб олиши мумкин” [8; 16-р.].

## МУҲОКАМА

Ҳаракатлар театри учун ўзига хос бўлган яна бир жиҳат – ҳаракат, ўйин ва тартиблилик, бу эса бола ҳаётининг асосий қоидалари сифатида қаралиши мумкин. Антропологик тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатадики, ҳаёти ўйиндан, мусиқа кашф этишдан ва рақсга тушишдан иборат бўлган халқлар учун бу уч тушунча характерлидир [5; 56-р.].

Ҳаракат бир вақтнинг ўзида ҳам ҳаракатнинг, ҳам ифоданинг воситаси ҳисобланади. Жисм ва атроф-муҳит ўртасидаги алоқа сифатида у ички ва ташқи дунё ўртасида алоқани ўрнатади. Аслида ҳаракатни инсоннинг асосий эҳтиёжи сифатида ҳам, инсоннинг асосий қобилияти сифатида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, “бола ҳаётида ҳаракатнинг вазифаси янада кўп қиррали. Шундай қилиб ҳаракатни, ўз-ўзини англаш, ҳис қилиш, ижтимоий ва дунёвий тажриба ҳамда креатив ифодалаш тажрибаси сифатида ҳам кузатиш мумкин” [4; 28-р.].

Ҳаракатлар театрини фақат спорт нуқтаи назардан тушуниш нотўғри. Инсон нафақат ўзини, балки ўз муҳитини ҳаракатлантиради ва бундан ўзи ҳам “ҳаракатланади”. “Ички” ва “ташқи” ҳаракат ўртасидаги мувофиқлик инсоннинг ҳаётийлигини англади. Бу борада болада кўпинча муаммолар кузатилмайди, аксинча уларнинг хатти-ҳаракатлари

ва ўзини тутишлари нимани ҳис қилишаётгани ва ўйлашаётганини кўрсатиб туради [9; 24-р.].

Ўйин ҳам инсон ҳаёт-фаолиятининг бир асосини ташкил қилади. Ўйиндан инсон ўзлигини ва дунёни англайди. Худди ҳаракат каби ўйинни ҳам инсоннинг асосий эҳтиёжи ва асосий қобилияти сифатида кўриш мумкин [7; 6-р.].

Ўйиннинг асосий хусусиятларига ихтиёрийлик, мақсадга йўналганлик, очиклик, хилма-хиллик кабилар киради. Бундан ташқари, ўйинлар маълум қоида ва шартлар асосига қурилади. Ўйинда бир ёки бир неча ролларга бўлиниш ва бу роллар орқали маълум қоидаларга риоя қилиш шарт сифатида белгиланади. Болалар ўйинлар орқали кўплаб шахсий сифатларни ўзлаштиради ва маълумотларга эга бўлади. Хусусан, улар мослашувчанликни, мустақилликни, муаммоларни ҳал қилишни, креативликни, шунингдек фактик ва ижтимоий муаммоларни тушунишни ўрганиб боради. Болалар ўрганиш билан бирга ўйиндан завқ олишлари учун, яъни ўз манфаатлари учун ўйнайдилар.

Тартиблилик боланинг элементар ҳаракатларидан бирига кирмайди, у маълум бир ривожланиш босқичини талаб қилади. Шунга қарамай, уни мактабгача ёшдаги болалар учун асосий инсоний омил деб ҳисоблаш мумкин. Аслида инсон ўзи тартибга муҳтож ва тартиб ўрнатишга қодирдир. Креатив инсон ҳаётини ўз хоҳишларига ва тасаввурларига қараб тартибга солишга ҳаракат қилади. Нафақат санъат (ижод) соҳаларида, балки кундалик ҳаётда ҳам инсон ўз ҳаётини ва атроф-муҳитини фаол равишда яратади. У ўз ғояларини амалга оширишга интилади. Шу сабабли, ўз-ўзини тартибга солиш (ёки бошқариш) педагогик фаолиятнинг асосий масаласига киради [2; 56-р.]. Жисмоний тарбия машғулотида тартиблилик боланинг индивидуал ҳаракат ва ифода шаклларида боғлиқ. Ҳаракат билан шуғулланиш болаларда ўз имкониятларини юзага чиқариш ва уларни синашга ёрдам беради.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, ҳаракатлар театри болаларга ўйин, рақс ва театр ўйинларини бирлаштирганлиги билан самарадор ва муваффақиятли машғулотдир. У болалар кайфиятига ижобий таъсир қилиб, баъзи машғулотлар доимий, узоқ муддатли ва интенсив фаолиятга айланиб қолади.

## REFERENCES

1. Artaud, Antonin; *The Theatre and Its Double*, Grove Press, 1994. ISBN 978-0802150301. – P. 4.
2. Bogart, Anne; *The Viewpoints Book: A Practical Guide to Viewpoints and Composition*, Theatre Communications Group, 2004. - P. 56 (104).
3. Callery, Dymphna; *Through The Body: A Practical Guide to Physical Theatre*, Nick HernBooks, 2005. (134) ISBN 978-1854596307. – P. 14.
4. Grotowski, Jerzy; *Towards a Poor Theatre*, Theatre Arts Books, 2002. (226) ISBN 978-0878301553. – P. 56.
5. Marshall, Lorna; *The Body Speaks: Performance and Expression*, St. Martin's Griffin, 2002. (186) ISBN 9781403960283. – P. 71.
6. Oida, Yoshi; *The Invisible Actor*, Bloomsbury Methuen Drama, 2002. (96) ISBN 978-

0413696106. – p. 4.

7. Felner, Myra; *Apostles of Silence: The Modern French Mimes*, Fairleigh Dickinson UnivPress, 1984. (224) ISBN 978-0838631966. – P. 6.
8. Wright, John; *Why Is That So Funny?: A Practical Exploration of Physical Comedy*, NickHern Books, London, 2004. (382) ISBN 978-1854597823. – P. 16.
9. Heddon, Deirdre; *Jane Milling Devising Performance: A Critical History*. Palgrave Macmillan. 2005. (278) ISBN 1-4039-0662-9. – P. 24.
10. <https://books.google.com/books?id=pRp-QgAACAAJ&q=devising+performance>).